

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2017
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, М.АБДУОЛИМОВА

Гиперболик турдаги тенглама учун силжишли чегаравий масала ечимининг ягона эмаслиги ҳақида 5

А.ЮСУПОВА

Олий математика фани бўйича оралиқ назоратларни тест шаклида ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.РАСУЛОВ, М.МАМАТОВА, А.ЗОКИРОВ, И.ЭШБОЛТАЕВ

Электронларнинг гетероструктура потенциал тўсиғи орқали ўтишларида резонансли туннелланиши 13

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ, И.ТУРДИБОЕВ

Том ёпқи махсулотлари ишлаб чиқариш муаммолари ва истиқболлари 16

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

П.БАРАТОВ, Н.СУЛТАНОВА

Тоғли Зарафшон водийсининг геоморфологик хусусиятлари ва террасалари 19

М.НАЗАРОВ, Р.АКБАРОВ

Тупроқни бойитишда биотик чиқиндилардан фойдаланишнинг ўсимликлар ҳосилдорлигига таъсири 24

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.АБДУЛЛАЕВ

Фалсафа фанининг долзарб муаммолари 29

Р.АРСЛОНЗОДА

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон архив тизими 34

К.РАХИМОВ

Сополли маданияти металл эритиш хумдонлари 39

А.АБДУМАЛИКОВ

Фуқаролик жамиятини қуришда ахборот маданиятини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти 44

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.САБИРДИНОВ, Д.КОМИЛОВА

Чўлпон ҳикояларида миллийлик 46

Г.МУҲАММАДЖОНОВА

Ижодкор образи талқини: муштараклик ва ўзига хослик (А.Қаҳҳорнинг “Сароб” ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романлари мисолида) 49

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ҚАЛАНДАРОВ

Эвфемик маъно лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида 53

ФАЛСАФА ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Т.Абдуллаев

Аннотация

Мақолада фалсафа фанининг долзарб муаммолари, уларнинг моҳияти, мазмуни, сабаб-оқибатлари ва бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

Аннотация

В статье затрагиваются актуальные проблемы философской науки, их суть и содержание, причины и последствия, а также пути их преодоления.

Annotation

This article clears a relevant problem of philosophical science, their sources, contents, reason and result and ways of their resolution.

Таянч сўз ва иборалар: тафаккур, онг, дунёқараш, креатив, индукция, дедукция, диалектика, қонуниятлар, ижтимоий муносабатлар, комиллик.

Ключевые слова и выражения: мышление, сознание, мировоззрение, креатив, индукция, дедукция, диалектика, закономерности, социальные отношения, зрелость.

Key words and expressions: thought, consciousness, world view, creative, induction, deduction, dialectics, law-governed nature, social attitudes, maturity.

Глобаллашув даврида барча фанларнинг ривожланиши тезкор ва кенг кўламда намён бўлмоқда. Демократик жамиятни барпо этиш даврида фанлар интеграциялашуви учун қулай шароитлар яратилмоқда. Натижада, ҳар бир масалага нисбатан атрофлича ёндашилмоқда, энг муҳими – тизимли ёндашув услуги ўзининг самарасини бермоқда. Мустақиллик йиллари сиёсий жараён иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар билан яхлитликда ривожланиб бормоқда. Фалсафий нуқтаи назардан таъкидлаш жоизки, республикада содир бўлаётган жараён ва ўзгаришлар ўзига хос қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ. Масалан, мустақилликни ҳимоя қилиш, демократик ислохотларнинг чуқурлашувини таъминлаш, бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, мафкуравий таҳдидларга қарши чора-тадбирларни қўллаш каби масалаларни ўз вақтида ўрганиб бориш, долзарб вазифалар қаторидан ўрин эгалламоқда. Республика ҳаётида вужудга келаётган муаммоларни фалсафа фанининг методологияси асосида атрофлича ўрганиш ва турли услубларни қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек, “Ҳар бир масалада миллий манфаат ва яна бир бор миллий манфаат нуқтаи назаридан конструктив ва креатив асосда ёндашиш, қиёсий-таҳлилий, фактик ва аналитик фикрлаш, тарих, замон ва келажакни ўзаро боғлиқ бир

бутун диалектик ҳодиса сифатида кўриш” [1.35] назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун глобаллашув даврида сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳалари вакилларининг ҳамкорлиги бир томондан давр талаби, иккинчи томондан эса объектив жараёнга айланмоқда. Бу йўналишда файласуфларнинг зиммасига янги вазифа ва режалар юклатилмоқда. Фалсафа фанининг хусусиятларидан келиб чиқиб инсон ва олам муносабатлари барча муаммоларнинг ўзагини ташкил этади. Демократиялашув даврида мамлакатлар ҳаётида ахборот жараёнлари тезкорлик билан тарқалиши натижасида ҳамма соҳа ва йўналишларда ўзгаришлар ижобий томонга силжимоқда. Электрон ҳукумат ташкил этилиши эса тадбиркор шахслар учун ҳисоботни марказга электрон версия ёрдамида топшириш, таълим тизимида талаба-ёшларни масофадан ўқитиш ҳолатлари, электрон дарсликларнинг яратилиши каби ютуқлар, инсон ва давлат, инсон ва жамият, инсон ва олам муносабатларини мустақамламоқда. Инсон ва олам муносабатлари кўпқиррали жараён бўлганлиги боис фуқаролардан илмий асосланган билим, кенг қамровли дунёқараш, сиёсий ва маънавий етуклик, юқори даражада маданият талаб қилинади. Кўрсатилган жиҳатлар бугунги кунда аҳоли ўртасида, асосан, шаклланиб бормоқда. Шу билан биргаликда айрим шахсларнинг

Т.Абдуллаев – ФарДУ фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.

дунёқарашлари маданияти юқори даражада бўлмаганлиги учун улар томондан мавжуд бўлган қонунларга, тартиб-қоидаларга, меҳнат интизомига, жамоа ишларига юзаки қараш ҳолатлари кузатилмоқда. Уларга нисбатан қўлланадиган чора-тадбирлар қаторида мафкуравий тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий ишлар, авваломбор, инсон онги ва тафаккурига қаратилиб, ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлайди. Мафкуравий чора-тадбирларнинг режа асосида олиб борилиши, мунтазам ва тизимли равишда ташкил этилиши ўзининг натижасини беради.

Тарихий нуқтаи назардан фалсафа фанидаги энг катта муаммо – инсон муаммоси XXI асрда ҳам ҳар бир мамлакатнинг кун тартибида марказий ўрин эгалламоқда. Ахборотлашган асрда инсон фаолиятида янги қирралар очилмоқда. Уларни таҳлил этишда унинг билими, илмий дунёқараш ва амалий ҳаракатига эътибор қаратилади. Ҳозирда инсон фаолиятининг мазмуни ва моҳияти тезкорлик билан ўзгариб бормоқда. Демак, шахс билими, ва умуман, ўзлаштирган маълумотларини ҳаётга татбиқ этгандан кейин ҳам фаолиятида изланиш давом этаверади. Фақат энди бир поғона юқори даражада бўлиб, назарий жиҳатдан бундай ҳолат ҳар бир фуқарода ўзига хосдир. Лекин инсонлар индивидуаллик жиҳатлари билан бир-бирига ўшамаганлиги учун изланиш фаолияти ҳам бир гуруҳда юқори, яна бир гуруҳда ўрта ва бошқа гуруҳда (улар албатта озчиликни ташкил этади) паст даражада намоён бўлмоқда. Бундай тоифа шахслардаги масъулиятсизлик, бепарволик, боқимандалик каби салбий жиҳатлар улар фаолиятида ҳам ўз аксини топади.

Бозор иқтисодиётининг афзаллик томонларидан яна бири аҳолининг асосий қисмидаги ижтимоий-сиёсий фаолликнинг ўсиб боришига, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланишга мустақкам замин яратиш бераётганлигидир.

Шунингдек, ҳар бир соҳа вакилларининг ҳамкорлиги долзарб муаммоларни бартараф этилишини тезлаштиради. Мазкур жараён бир текисда намоён бўлмаганлиги учун ҳар бир шахс вужудга келаётган муаммоларга тайёр бўлиши, уларни мукамал ўрганиш билан биргаликда бартараф этиш имкониятларини ҳам кўриб чиқади. Муаммоларни бартараф этишда, аввало, уларнинг соҳаси, манбалари, хусусиятлари ҳамда оқибатлари аниқланади. Масалан, моддий-техника базасидан

фойдаланишнинг ўқув юртларида бошқа соҳаларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган ҳолат вақт ўтиши мобайнида ўзгариб боради ва мавжуд бўлган муаммо бошқа муаммога ўрин бўшатади. Бундай ҳолат объектив жараён ҳисобланади, чунки муаммоларнинг вужудга келишига аниқ бир сабаб ва манбалар хизмат қилади. Сабаб ва манбаларни ўрганиш муаммоларга холисона баҳо бериш имкониятини яратади, акс ҳолда уларга нисбатан юзаки ёки бир томонлама ёндашилади. Масалан, корхонанинг айрим ходимлари меҳнат интизомига амал қилмаслиги, кеч қолиши, иш жараёнида ташаббус кўрсатмаслиги, ташкил этилган мусобақада иштирок этмаслиги каби муаммоларда кўринади. Бундай ҳолатда маъмурий чора қўлланилади: - огоҳлантириш, ҳайфсан билдириш, рағбатлантиришдан четлатиш, лавозимини ёки тоифасини пасайтириш ва охириги жазо сифатида ишдан бўшатиш.

Бундай чора-тадбирлар, албатта, мафкуравий, сиёсий, тарбиявий чоралар билан тўлдирилади. Энг муҳими – мутахассис ёки ходимнинг онги, эътиқоди, қарашлари ва умуман ички дунёсига таъсир этиш, унинг қалбига миллий ғояни сингдириш тарбиявий аҳамиятга эга. Қўлланадиган чора-тадбирлар аниқ вазиятни инобатга олади ва вазият ўзгариши мобайнида чора-тадбирларни шакл ва мазмуни ҳам ўзгариб боради. Масалан бир вазиятда суҳбат қўлланилса, бошқа вазиятда йиғилишда муҳокама қилиш, кейинги вазиятда – шахсий намуна кўрсатилади ва ҳ.к. Демак, вазиятнинг ўзгариши қўлланадиган чора-тадбирлар мазмуни ҳам белгилаб беради. Шунинг учун ҳар қандай вазият жамият таркибида, унинг даражаси, ютуқлари ва муаммолари билан боғланади. Жамиятнинг асосий қонунияти – доимо ривожланиши ва бошқа жамият ёки мамлакатлар билан боғланиши, бир-бирларига таъсир этиши, унинг тараққиётига кўмаклашишдир. “Оламда ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва тараққиётнинг қай тарзда амалга ошириши, қандай содир бўлиши каби масалалар фалсафанинг азалий муаммолари қаторига киради” [2.12].

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатида ривожланишига барча шароитлар ва имкониятлар яратилган. Масалан, республикада эркин бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич амалга оширилаётгани,

хорижий сармояларнинг кириб келиши, мулкдор синфлар фаолияти, сиёсий партиялар ҳаракатлари ва маънавий кадриятларга кенг йўл очилгани каби жараёнларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда.

Диалектика моҳиятидан келиб чиқиб айтиш лозимки, ҳар қандай ривожланиш қарама-қаршилик ва зиддиятларни бартараф этиш натижасида амалга ошади. Шунинг учун барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори фалсафа фанида ҳам зиддият ва муаммоларни кўрсатиш билан биргалликда республиканинг ютуқлари ҳам очиб берилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг қўлга киритган ютуқлари, авваламбор, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши билан боғлиқдир. Чунки уларнинг фаолиятидаги юқори масъулият, самарали меҳнат, ижодий изланиш, мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий шароитлардан режа асосида фойдаланиш имкониятини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг асосий қисмида иқтисодий ва сиёсий билимлар етарли даражада бўлганлиги учун республикада давом этаётган демократик ислохотларда фаол иштирок этишмоқда. Аммо айрим фуқаролар хусусийлаштириш жараёнининг моҳияти ва вазифаларини тушунишга қийналаётгани, маънавий-маърифий тадбирларда суст иштирок этаётганликлари аниқланмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олмаслик эса муаммоларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлади.

Давлатимизнинг кун тартибида биринчи галда мафкуравий ва маънавий чора-тадбирларни қўллаш масаласи ўрин эгалламоқда. Барча соҳаларда сиёсий ўқишлар, семинар-тренинглар ташкил этилмоқда ҳамда жамиятимизнинг долзарб муаммолари мунозара шаклида муҳокама қилинмоқда. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида, айниқса, интернет хизматидан фойдаланган ҳолда муҳим масалалар таҳлил қилинмоқда. Умуман олганда, муаммоларни бартараф этиш тинч йўл билан, уларнинг манбалари, мазмуни ва салбий оқибатларини атрофлича ўрганган ҳолда амалга ошмоқда. Бу йўналишда энг муҳими – ҳар бир фуқаронинг муаммоларга нисбатан онгли ва ижодий ёндашуви ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мустақиллик йилларида республикамиз фуқароларига кенг кўламда имкониятлар очилмоқда, демократик тамойилларнинг қўлланилиши ва мустақил фикр билдиришлари учун замин яратмоқда.

Мустақил фикр эса фалсафий фикр сифатида мазмуни жиҳатидан ранг-баранг бўлишини тақозо этади. “Шунинг учун тарихий амалиёт ривожланишида фалсафий фикрлашнинг асосий тенденцияларининг бир-бирига тўғри келиши ёки келмаслиги фалсафий билим ҳақиқийлигининг асосий мезони бўлиб қолади” [3.23].

Мустақил ва ижодий фикр билдириш учун мавжуд бўлган қўлай шароитлар хизмат қилмоқда. Шахснинг ижодий изланиши, илмий дунёқарашининг кенгайиб бориши, фалсафий тафаккурининг шаклланиши методологик ва амалий аҳамиятга эга. Фалсафий тафаккур эса аҳолининг фаолиятида бир хил даражада намоён бўлмайди.

Инсон онгини бошқариши ва тўғри мақсадга йўналтириш учун, авваламбор, билимини доимо оширишга, уни мутахассислиги, касб-хунари билан боғлашга, давр талабларига мос келадиган манбалардан фойдалана олиши ва ниҳоят амалий ҳаракатларида қўллашга эътибор бериши зарур. Ҳар қандай билим фақат амалиётда қўлланилгандан кейин янги ғоялар билан бойиб боради. Акс ҳолда, мавжуд бўлган ғояларнинг аҳамияти ва мазмуни сусайиб боради.

Бу борада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да барча чора-тадбирлар олий ўқув юртларида етук, сиёсий ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшларни тайёрлашга қаратилган. Бугунги талаба-ёшлар учун профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланаётган электрон дарслик, қўлланма, ўқув-услубий кўрсатмалар, фанлар бўйича мажмуа ва матнлар уларнинг билим ва дунёқарашларини мустаҳкамланишига, мустақил ҳамда ижодий фикр билдиришга, қобилиятларини ўстиришга хизмат қилмоқда.

Бу масалада буюк аллома Абу Наср Форобий орзу қилган “одамларнинг фазилатларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган жараён” [4.170].

Инсон фаолияти кўп қиррали бўлиб, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омилларга таянади. Таъкидлаш лозимки, фалсафа фанининг долзарб муаммоларидан бири – инсон омиллини атрофлича ўрганиш ва унинг фаоллигини юксалтиришдир. Инсон омиллига таъсир этиш мақсадида унинг мазмуни ва функциялари ўрганиб борилади. Мазкур вазифани қийинчилик томони шундаки, инсон омиллини меҳнат, маданият, дунёқараш, онг каби компонентлар ташкил этади. Олиб борилган кузатувлар кўрсатганидек, инсон

омилининг компонентлари бир-бирини тўлдирган ҳолда яхлитликни ташкил этади. Амалиётда эса кўрсатилган компонентларни бир-бири билан мустақкам боғланмаганлиги, ҳаттоки айрим ҳолда бир-бирига зид бўлиши аниқланмоқда. Демак, фалсафада асосий эътибор бериладиган масала – инсон онги, яъни унинг ақлий салоҳияти ҳисобланади. Афсуски, ҳамма шахслар ҳам онгини аниқ мақсад сари йўналтирмагани турли муаммоларнинг юзага келишига сабабчи бўлмоқда.

Масалан, айрим талабалар мавжуд бўлган имкониятлардан қисман фойдаланганлари натижасида белгиланган мавзуларни ўзлаштиришга қийналишаётгани аён бўлмоқда.

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида профессор-ўқитувчилар дарс ва дарсдан ташқари талабаларга янги манбалар, айниқса, интернет тизими ҳақида тегишли маълумотларни етказишмоқда. Ушбу шахснинг билими, савияси, зеҳни, ҳаётий тажрибаси каби фазилатларидан келиб чиққан ҳолда улар юқори, ўрта ва паст даражаларда намоён бўлади. Фалсафий тафаккурнинг кўрсатилган даражалари инсон ҳаёти давомида юксалиш ёки пасайиб бориш томонга ўзгариб боради. Республиканинг барча ижтимоий-сиёсий институтлари инсон тафаккурини юксалтириш мақсадида аниқ чора-тадбирларни қўлламоқда. Айниқса, таълим тизимида ташкил этилаётган масофавий ўқишлар, ўқув машғулотларида инновацион технологияларнинг қўлланилиши, талаба-ёшларнинг муайян мавзулар бўйича мунозараларга жалб этилишлари, назарий ва эмпирик манбаларни атрофлича таҳлил қилишларига ва ниҳоят, ўзлаштирган маълумотлардан тўғри хулосаларни чиқариш ҳамда уларни, албатта, амалиётда қўллашга ўргатиб борилмоқда.

Фалсафий тафаккур ҳар бир инсонга хос бўлиб, унинг шаклланиши йиллар давомида амалга ошади. Фалсафий тафаккур ўзагини фалсафий билимлар ташкил этади. Шу билан биргаликда ҳар бир фан фақат интеграция асосида ривожланади ва шу асосда муаян вазифаларни бажаради. Бинобарин, фалсафий билимлар иқтисодий, сиёсий, тарихий, диний ва бошқа билимлар билан биргаликда шаклланиб борса, унинг самарадорлиги ўсиб боради. Амалиёт шуни кўрсатяптики, ҳар бир шахс, авваламбор, мутахассислиги, касб-ҳунаридан келиб чиққан ҳолда билими ва тафаккурини юксалтиришга

ҳаракат қилади. Бир гуруҳ қисман ва бошқа гуруҳнинг эса ҳаракати суст бўлиб, давр талаблари билан ҳамнафас бўла олмаганлиги аниқланмоқда. Шу ҳолатлар фалсафий тафаккурнинг шаклланишига ҳам маълум даражада таъсир этмоқда.

Республикада давом этаётган модернизациялашув жараёни жамиятимизнинг ҳамма соҳаларига тегишлидир. Бу инсон онги ва тафаккури, маънавий ҳаётни ҳал қилувчи компонентлари ҳисобланади. Демак, жамиятнинг янгиланиш жараёни ҳам, айнан, шулардан бошланиши зарур. Ҳар қандай ҳодиса ёки жараён юқори даражада натижа бериши учун уларнинг мазмун - моҳияти, аҳамияти англанади, изоҳланади. Бошқа масалалар билан қиёсланади, умумлаштирилади ва тегишли хулоса чиқарилади.

Гарчи Аристотель, айнан, алоҳида нарсалар, субстанциялар эркин мавжуд бўлишини (уни онтологик тезиси) таъкидлаган бўлса-да, шу билан бирга, у биз излашимиз керак бўлган билим бу - аҳамиятли ва умумий хоссаларни билиш демакдир, деб ҳам ҳисоблайди [5.118].

Ўз навбатида хулоса умумлаштирилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Амалиётда кўрсатилган тартиб бўйича хулоса чиқариш ўзига хос қийинчиликлар билан боғлиқ. Чунки ҳар бир масалага атрофлича ёндашилгани ҳолда унинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлади ва хулоса ҳам чуқур маънога эга бўлади. Мазкур ёндашув асосан фалсафий ёндашув билан боғлиқ. Чунки фан методологияси содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларнинг яхлитлиги, ўзгариб бориши ҳамда бир-бирига қарама-қаршилигида ўрганишни тақозо этади. Акс ҳолда фалсафий ёндашув бўлмаса, мазкур масала юзаки ва бир томонлама ўрганилади. Натижада қилинган хулоса ҳам етарли даражада бўлмайди. Бундай ҳолат турли хатоларга олиб келади, хатоларнинг мавжудлиги эса муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Фалсафий ёндашувга эришиш учун инсондан катта меҳнат, тинимсиз изланиш, дуч келган муаммолардан чекинмасликни талаб этилади. Фалсафий ёндашув инсонда йиллар давомида шаклланади ва ўз навбатида фан билан мукамал шуғулланишига таянади.

Мустақил Ўзбекистоннинг ютуқлари негизида бошқарув тизимидаги тубдан юз бераётган ўзгаришлар ётибди, яъни ҳар бир

фуқаро давлат ишларида фаол иштирок этиши зарурлигини ва манфаатдорлигини англамоқда. Бу йўналишда асосий вазифа – фуқароларда бошқарув масалаларига нисбатан онгли равишда ёндашувнинг шакллантиришдир. Онгли ёндашув даражасига эришиш учун назарий, амалий, ташкилий-психологик жиҳатдан бўлган қийинчиликларни енгиб ўтиш керак бўлади.

Ҳар бир инсон учун республикамизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг туб моҳияти ва негизини ўзлаштиришга, қобилияти ва ақл-заковатини аниқ мақсадларга йўналтиришга қулай шароитлар яратилган. Бозор муносабатларидаги хусусийлаштириш жараёни, мулкдор синфларнинг вужудга келиши, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши, соғлом рақобатга йўл очилиши, хорижий сармояларни республикага кириб келиши, сиёсий соҳада – Президент бошқарувининг ташкил этилиши, Олий мажлиснинг фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши, ижтимоий соҳада эса – халқимиз маънавий меросидан самарали фойдаланиш имкониятлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунликда ривожланиши каби жараёнларга таяниб фуқаролар бошқарув тизимида ҳам назарий, ҳам амалий равишда иштирок этишга ҳаракат қилишмоқда. Бундай жараённинг афзаллик томони шундаки – аҳолининг асосий қисмида бошқарув тизимида фаол иштирок этиши учун етарли даражада билими ва сиёсий етуқлиги

мавжуд. Лекин айрим шахсларда билими ва савияси давр талабларидан орқада бўлиб, бошқарув жараёни тўғрисида юзаки тушунчаларга эга бўлишмоқда. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, фалсафа фанида аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида бошқарув жараёнлари билан боғлиқ масалаларнинг мазмуни, функциялари, тамойиллари, ташкил этиш йўллари, босқичлари, мезонлари тўғрисида керакли билимларни етказиб бериш вазифалари муҳим ўрин эгалламоқда.

Фалсафада ҳар бир масалани бошқа масалалар билан боғлиқликда ва мантикий ривожланишда ўрганилади. Масалан, бошқарув тизимининг шаклланиши, кадрлар тайёрлаш, демократик жараёнлар намоён бўлиши, бозор иқтисодиёти ривожланиши каби масалалар билан биргаликда ўрганилади. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладими, юқорида кўрсатилган масалалар алоҳида ўрганилади, натижада уларнинг мазмуни қисман очиб берилди. Бундай ҳолат фалсафа фанида инобатга олинади ва мазкур масала атрофлича таҳлил қилинади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ҳар бир тарихий босқичда янги муаммоларнинг юзага келиши табиий ҳол. Мазкур муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш методологик ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш фаннинг янгиланишини ҳамда республика тараққиётининг тезлашувини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон. 2015.
2. Назаров К ва бошқ. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон. 2005.
3. Шермуҳаммадов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. – Т.: Фан. 2005.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар фазилатлари (Ўғиз хондан қолган мулк). – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1995.
5. Гуннар Скорбоев Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Ўзбекча таржима. И.Саифназаров ва Ж.Жакбаров. – Т.: Очиқ жамият институти Қўшма жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2002.

(Тақризчи: Ф. Турғунбоев, фалсафа фанлари доктори).

УДК: 947 (575.1)

СОВРЕМЕННАЯ СИСТЕМА АРХИВОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Р.Арслонзода

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик даврида шаклланган архив тизими таҳлил этилади. Бу тизимга кирувчи турли архивларнинг мақоми, уларнинг ҳужжатли материаллари сақлашдаги ўрни кўрсатиб берилди.

Аннотация

В статье анализируется система архивов, сформировавшаяся в Узбекистане в годы независимости. Раскрыт статус различных архивов, входящих в данную систему, показано их место в хранении документальных материалов.

Annotation

The article analyzes the archive system of Uzbekistan, formed in the years of independence. Disclosed the status of various files that make this system, shown their place in of storage of documentary materials.

Таянч сўз ва иборалар: архив тизими, давлат архивлари, муниципал архивлар, идоравий архивлар, хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб архивлари, нодавлат архивлари, шахсий (оилавий) архивлар, сақлов бирлиги.

Ключевые слова и выражения: система архивов, государственные архивы, муниципальные архивы, ведомственные архивы, хозрасчетные архивы документов личного состава, личные (семейные) архивы, единица хранения.

Key words and expressions: archive system, government archives, municipal archive, departmental archive, introduced state archives, system files, self-supporting storage of expression, personal archives.

В Узбекистане в годы независимости произошли большие позитивные изменения в архивном деле. Создано правовое поле для деятельности архивов, укрепились их материально-техническая база. В архивное дело широко внедряются компьютерные технологии. Расширяется диапазон использования архивных документов. Налажено сотрудничество в области архивного дела с зарубежными странами и Международным Советом архивов. Все это дало возможность коренным образом улучшить деятельность архивных учреждений [3, 318-329].

В годы независимости в Узбекистане создана новая система архивов, которая включает государственные архивы, ведомственные архивы, хозрасчетные архивы личного состава, негосударственные архивы, личные (семейные) архивы.

Государственные архивы. Сеть государственных архивов Узбекистана создана с учетом политико-административного устройства нашей страны. В нее входят: 1) центральные государственные архивы и 2) муниципальные (областные, городские и районные) архивы.

В первые годы независимости была сохранена сеть государственных архивов,

которая существовала еще в советский период. Она включала: а) центральные государственные архивы и б) ЦГА Республики Каракалпакстан, областные и Ташкентский городской государственные архивы и их филиалы. После 1991 года была проведена реорганизация системы государственных архивов, которая коснулась главным образом архивов нижнего звена.

На первом этапе наблюдалась тенденция к росту числа филиалов областных архивов. Так, накануне провозглашения независимости Ферганский областной государственный архив имел только 2 филиала - в городах Коканде и Маргилане. В 2006-2008 гг. были созданы новые филиалы в Куве, Риштане, Багдаде, Навбахоре, Язъяване и в Сохе, в результате число филиалов областного государственного архива достигло 8 [9]. Такая же картина наблюдалась и в других регионах.

На втором этапе филиалы областных архивов во всех регионах были упразднены и на их базе созданы новые городские и районные архивы. В результате в республике резко возросло число государственных архивов. На сегодняшний день в Узбекистане функционирует 102 государственных архива, из них 3 - центральных, 99 - муниципальных архивов [2, 39].

Р.А.Арслонзода – ФерГУ, кандидат исторических наук.